O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 20 май, № 99 (4509) Сешанба

# ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗНИКИ!

Қорақалпоғистонда "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари давом этмоқда.



**Ниҳоят, мамлакатимизнинг навқирон ва шижоатли ёшлари орзиқиб кутган кунлар етиб келди. Президентимиз ташаббуси билан тамал тоши қўйилган, илк бор Жиззахда, сўнгра бирин-кетин Андижон ва Тошкент вилоятларида ўзига хос зўр тантаналар билан ўтказилган "Баркамол авлод" ёшлар спорт ўйинлари руҳи ва нафаси бугун Оролбўйларида ҳукмрон.**





"Баркамол авлод" нафақат спорт байрами, балки ёшлар ўртасида дўстлик ва қардошликниараннум этувчи, уларни ягона мақсад сари руҳлантирувчи беқиёс кучга айланиб бормоқда, десак хато қилмаймиз.

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинлари улғайиб келаётган навқирон авлод онгига соғлом турмуш тарзини сингдиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг узвий давоми бўлган мусобақалар анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Зотан, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, бу борада олдимизга қўйилган буюк мақсадларга эришишда мамлакатимизда ёш авлодга яратилаётган имкониятлар катта аҳамият касб этади.

"Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларига тайёргарлик кўришда бутун Қорақалпоғистон бир тану бир жон бўлиб иштирок этди, десак муболаға бўлмас. Бундай жипсликни, уюшқоқликни бугун республика шаҳар ва қишлоқларида қад ростлаган кўплаб спорт иншоотлари, қайта реконструкция қилинган бинолар, обод хиёбон ва кўчалар исботлаб турибди. Гарчи улар "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари муносабати билан бунёд этилган бўлса-да, кейинчалик юртимизда спортни ривожлантириш, соғлом авлод камолоти йўлида кенг кўламли хайрли ишларни рўёбга чиқариш борасида Президентимизнинг оталарча ғамхўрлиги сифатида халқимизга хизмат қилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, мусобақалар Ўзбекистон ёшларининг дўстлик ва бирдамлиги рамзига, нафосат ва гўзаллик байрамига айланиб бормоқда. Ёшларимизда спорт майдонларида бир миллат бўлиб юрт шарафини ҳимоя қилиш ғояси шаклланмоқда. Фикримизни ёшларимизнинг қитъа ва жаҳон чемпионатларида қўлга киритаётган муваффақиятлари ҳам исботлайди.

17 май куни Нукусдаги 12 минг ўринга мўлжалланган марказий "Турон" стадионида "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Чорлов мусиқаси остида майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов йиғилганларни тантанали айём билан қутлади, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг Республика "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларини очиқ деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Стадион узра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Мадҳия садолари остида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилди. Сўнгра "Баркамол авлод" ўйинлари қатнашчилари Президентимиз томонидан ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган ғамхўрликка жавобан, илм-фан чўққиларини ва касб-ҳунар сирларини сабот билан эгаллашга, спортда ўзларини намоён этишга тантанали қасамёд қилдилар.

Барчанинг нигоҳи майдонга тантанаворлик билан олиб кириб келинаётган "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари машъаласига қаратилди. Машъала, анъанага кўра, бу сафар ҳам Паркентдаги "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қуёш ўчоғида ёндирилди. Буни қарангки, ёшларимиз қалбининг эркин тимсоли сифатида порлаган машъала тўрт кун ичида бир неча вилоятни босиб ўтиб, 1450 километрлик масофани ортда қолдирди. Биргина шу мисолнинг ўзи гўзал Ватанимиз қанчалик бепоён эканлигини кўрсатади. Майдон марказидаги "Баркамол авлод" олови ёндирилди. Оловни ёндириш кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Нодира Казакова ва кураш бўйича жаҳон чемпиони Низомиддин Хўжабоевга насиб этди. Ўзбек ва қорақалпоқ санъат усталари томонидан намойиш этилган катта концерт дастури спортчиларнинг кўргазмали чиқишларига уланиб кетди.

"Баркамол авлод" спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

## ҚОНУН ИЖРОСИ МУҲОКАМАДА

***Жиззахда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг сайёр йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунининг вилоятдаги ижроси муҳокама қилинди.***

Парламент ҳаёти

Мазкур қўмита раиси Т. Каримов бошқарган ушбу йиғилишда қонун ижросини таъминлашда қатор ижобий ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Хусусан, ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонзорлар маҳсулдорлигини ошириш бўйича Бахмал, Фориш, Хўжамушкент каби ўрмон хўжаликларида, Зомин, Нурота қўриқхоналарида, Мирзачўл тажриба станцияси ҳамда Зомин Миллий табиат боғида самарали ишлар амалга оширилган.

Таъкидлаш жоизки, республикадаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг 61,4 фоизи Жиззах вилоятига тўғри келади. Вилоятда ўрмон дарахтларини соғломлаштириш, ўрмонзорларни кенгайтириш мақсадида ўтган йили 140 гектар майдонга уруғ, 495 гектар ерга кўчат экилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 104 гектар ерга кўчат экиш, 30 гектар майдонга уруғ сепиш йўли билан янги ўрмонзорларга асос солинди.

Айни пайтда бу ерда «Ўрмон тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш бўйича бир қатор камчилик ва ечимини топмаган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, ўрмон хўжаликлари ҳудудларида дарахтларни ноқонуний кесишнинг олдини олиш ва бунга чек қўйишда қатъият кўрсатилмаяпти. Давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши бўйича назорат ишлари талаб даражасида эмас.

Қўмитанинг сайёр йиғилиши қатнашчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ўрмон хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, Қонун ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилган қарор қабул қилинди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ВА ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

***Мамлакатимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисоблайди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан шу йил 1 май куни имзоланган Фармонга мувофиқ, юртимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга бағишланган кенг қамровли Миллий дастурни амалга оширишга киришилгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.***

*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.*

— Президентимизнинг Фармони тарихий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир, — дейди А.Саидов. — Ҳозирга қадар БМТга аъзо давлатларнинг биронтасида инсон ҳуқуқлари бўйича бундай олий даражадаги ҳужжат қабул қилинмаган. Фармон Ўзбекистон Президентининг ўз конституциявий бурчига содиқлиги ва ваколатларига изчил ёндашаётганининг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Айни пайтда бу ҳужжат Ўзбекистоннинг ўз халқаро мажбуриятларига содиқлигининг амалдаги яна бир ифодасидир. Энг муҳими, Фармон мисолида истиқлолнинг илк кунлариданоқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келаётганлиги яна бир бор тасдиғини топди.

Юртбошимиз раҳнамолигида Конституция ва қонунларимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар мустаҳкамланган ва кафолатланган.

Ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълимнинг узлуксиз тизими барпо этилиб, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мониторинг олиб бориш тизими ишлаб чиқилди. Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг нодавлат тизими, фуқаролик жамияти институтлари фаол ривожланмоқда. Бу соҳада самарали халқаро ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***"Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари қизғин давом этаётган айни кунларда қорақалпоғистонлик ёшлар учун замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган янги сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.***

## Янги сузиш ҳавзаси

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев Юртбошимизнинг улкан ғамхўрлиги туфайли баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва овулларида мана шундай замонавий спорт мажмуалари, ҳашаматли спорт саройлари, заллари ва майдонлари бунёд этилаётганини таъкидлади.

"Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари учун махсус қурилган ушбу иншоотда спортчилар учун барча қулайликлар яратилган. Чўмилиш, кийиниш ҳамда дам олиш хоналари, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган сузиш ҳавзаси мусобақа қатнашчиларида жуда катта таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



**Пойтахтимиздаги «Universal» спорт саройида тўртинчи Параолимпия ўйинлари мусобақаси – махсус мактаб-интернатлар ўқувчиларининг республика спартакиадаси бўлиб ўтди.**

## Спартакиада ғолиблари аниқланди

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу беллашув Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий параолимпия ассоциацияси томонидан ҳамда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмагида ташкил этилди.

Спартакиаданинг очилишида Ўзбекистон Миллий параолимпия ассоциацияси раиси А. Шарафиддинов ёш авлодни соғлом ва баркамол шахслар этиб вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу ёшларга пухта таълим-тарбия бериш, болалар спортини изчил ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш каби йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Болалар спорти ривожига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик натижаси ўлароқ, юртимизнинг барча ҳудудларида болалар спорт мажмуалари, соғломлаштириш масканлари барпо этиш ишлари изчил давом этмоқда. Уларда ижтимоий-тиб-

(Давоми 3-бетда).

**Навоийда саноат маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди.**

## Саноат маҳсулотлари ярмаркаси

Ушбу тадбирда Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот"ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Қизилкумцемент" ОАЖ, "Электркимё" ОАЖ сингари ўнлаб йирик саноат корхоналари ва элликдан зиёд кичик корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилди. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида ташкил этилган ушбу тадбирда бир қатор мақсадли шартномалар имзоланди.

Ушбу ярмаркани ташкил этишдан асосий мақсад, маҳаллий саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва ликвидлигини оширишдан иборатдир.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Экспорт ҳажми ошади

***Оқдарёдаги "Остфуд" Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхонаси ўз маҳсулотларини асосан хорижга экспорт қилади.***

Пахта толаси чиқитларидан момиқ ишлаб чиқарадиган ушбу корхона жорий йилнинг биринчи чорагида 125 тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб берди.

Яқинда "Остфуд" ва россиялик саноатчилар ўртасида фойдали битим тузилди. Унга кўра, қўшма корхона йил охирига қадар россияликларга 700 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот етказиб беради.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Бухоро давлат тиббиёт институти ташаббуси билан Халқаро морфологлар ассоциациясининг IX конгресси бўлиб ўтди.***

## Морфологлар мулоқоти

— Инсон морфологияси энг қадимий фанлардан саналади, — деди конгрессни очар экан Халқаро морфологлар ассоциацияси президенти, тиббиёт фанлари доктори, профессор Д. Баженов. — Ўтмишнинг буюк олимлари — Гиппократ, Везалий ва Ибн Сино бу фанга асос солишган. Бинобарин, бу галги анжуманимизнинг айнан Ибн Сино туғилган юртда ўтказилишида катта маъно бор.

Конгресс иштирокчилари ушбу анжуман Ўзбекистон ва МДҲ давлатлари илмий ҳаётида улкан воқеа эканини таъкидлаб, у фундаментал илмий-тадқиқот ишлари ривожида қатор етакчи олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда, илмий изланишларга ёш мутахассисларни жалб этишда муҳим ўрин тутишини таъкидлашди.

(Давоми 3-бетда).

Бир рақам шарҳи

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАСИ



**2008** йилнинг январь-март ойларида мамлакатимизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан **1,3** баравар ортди.

**Бунинг натижасида саноатнинг барча тармоқларида, хусусан, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш ва целлюза-қоғоз саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш ҳамда ёқилғи ишлаб чиқаришда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар салмоғи ошиб, бу катта миқдорда хорижий валютани тежаш имконини берди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ВА ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

Президентимизнинг Фармони инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа институтларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг самарали ишлаши учун зарур бошқа шарт-шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

**— Фармонда белгилаб берилган вазифалар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз?**

— Эътиборли жиҳати шундаки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар мамлакат кўлами билан чекланиб қолмайди, балки шу йўналишдаги халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакилларининг фаол иштирок этишини таъминлаш учун БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришни ҳам назарда тутади.

Ушбу санани нишонлашдан кўзланган асосий мақсад инсоният тараққиётининг энг эзгу мақсадлари ва демократик қадриятлар тимсоли бўлган ғоят муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид замонавий ёндашув, билим ва маданиятни шакллантиришда тутган бемисл ўрни ҳамда аҳамиятини янада кенг тарғиб этишдир.

Декларациянинг юбилейини ўтказиш Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсати ҳақида, мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар тўғрисида кенг кўламда ахборот тарқатишда муҳим ўрин тутади.

Шу жиҳатдан журналистлар ва оммавий ахборот воситаларининг Декларация қоидаларини кенг тарғиб этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу борада жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрни ҳамда аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда ҳуқуқий мавзуларни ёритиш ва юридик журналистикани ривожлантириш, ислоҳотларимизнинг моҳияти ва самаралари ҳақида жаҳон жамоатчилигига холис ҳамда ишонарли ахборотларни тақдим қилиб бориш, интернет-журналистикани такомиллаштириш, инфоэтика, яъни ахборот тўплаш ва тарқатиш одоби, унга риоя этилишига кўмаклашиш — олдимизда турган устувор вазифалардандир.

**— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастурида қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши мўлжалланган?**

— Беш қисмдан иборат ушбу Дастурда инсон ҳуқуқлари соҳасига доир қонунчиликни янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини мониторинг қилиб бориш, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятини кенг ёйишга қаратилган таълим ва маърифий, шунингдек, ахборот-тарғибот таъминоти бўйича тадбирлар кўзда тутилган. Ушбу тадбирларни амалга оширишда давлат идоралари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этади.

Дастурнинг дастлабки қисми инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қонунчиликни такомиллаштиришга бағишланган. Жорий йил давомида бу борада сезиларли ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-Қўшимча протоколига қўшилиш Президентимизнинг Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ ташаббусининг мантиқий давомидир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, мамлакатимиз ўз ҳудудида ўлим жазоси қўлланилишини бекор қилиб, ушбу Қўшимча протоколга қўшилмоқда.

Яна иккита қўшимча протокол эса Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция протоколларидир. Ўзбекистоннинг мазкур қўшимча протоколларга қўшилишида 2008 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Ёшлар йили деб эълон қилингани ва мамлакатимизда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун кучга киргани муҳим омил бўлмоқда.

Дастурнинг иккинчи қисми инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир қонунчиликка риоя этилиши мониторинги билан боғлиқ тадбирларни ўз ичига олган. Бу, табиийки, Ўзбекистонда амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таркибий қисмига айланганидан далолатдир.

Дастурнинг учинчи қисми Декларация ва инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ҳамда тарғиботга оид чора-тадбирлардан ташкил топган. Декларация қабул қилинган кунда умуммиллий дарс ташкил этиш, олий ўқув юртларидан тортиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қадар "Инсон ҳуқуқлари" ўқув курсини, мактабларда эса "Бола ҳуқуқлари" дарсларини жорий этиш, журналист кадрларни тайёрлаш бўйича олий таълим муассасаларининг ўқув режаларига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситалари иштирок этишининг миллий ва хорижий тажрибасини ўрганишни назарда тутадиган махсус ўқув дастурларини киритиш шулар жумласидандир.

Дастурнинг кейинги қисми тегишли тадбирларнинг ахборот-таҳлилий таъминотини ўз ичига олади. Жумладан, йил давомида таълим муассасаларида ва ёшлар орасида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг янги жамият барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароит яратиш, Ватанимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини чуқур ўрганишга доир давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар ташкил этилади. Бу мавзуда оммавий ахборот воситаларида, телевидение, радио, газета ва журналларда, Интернет саҳифаларида махсус чиқишлар қилинади. Турли рисолалар, ўқув қўлланмалари, шарҳлар, тўпламлар, маркалар, откриткалар ва бошқа материаллар чоп этилади.

Дастурнинг охирги қисми бу йўналишдаги халқаро ҳамкорликка бағишланган бўлиб, юртимизда ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналарида ўтказиладиган тадбирлардан иборат.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини изчил ва қатъий бажариб келмоқда. Мамлакатимиз БМТ конвенциявий органлари, шунингдек, ихтисослашган механизмлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатган.

БМТнинг Ривожланиш Дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЕХҲТ каби халқаро шериклар билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари бўйича юздан ортиқ асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат тилига таржима қилинди. Оммавий ахборот воситалари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига ҳамиша устувор аҳамият бериб келинмоқда.

2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилингани, Президентимизнинг мазкур фармонида бу борада салмоқли чора-тадбирлар кўзда тутилгани мамлакатимизда давлат сиёсати инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга, фуқаролар, айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Кейинги йилларда давлат ижтимоий дастурлари, жумладан, "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Сиҳат-саломатлик йили", "Оила йили", "Ижтимоий ҳимоя йили" ва бошқа дастурларни ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатимизда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани ҳам шундан далолатдир.

Энг муҳими, Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони замирида давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсати ўз ифодасини топган.

**ЎзА мухбири Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.**

# НИДЕРЛАНДИЯДА ОРОЛ ДЕНГИЗИ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

*Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилашда Ўзбекистон ва чет эл олимларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш Нидерландиянинг Вагиненгин университетида бўлиб ўтган илмий семинарнинг асосий мавзуси бўлди.*

Унда Вагиненгин университети, Нидерландия Иқлим ва сув ресурслари маркази, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш соҳасига ихтисослашган маҳаллий ва хорижий илмий марказлар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти вакилларидан иборат мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашди.

**Дунё нигоҳи**

Тадбир давомида Орол денгизи инқирозининг оқибатлари ҳамда мазкур ҳудудда жойлашган давлатлар аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш ва минтақадаги экологик мувозанатни сақлашга кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга доир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Семинарни Вагиненгин университети биринчи проректори С. Меер очди. Олим ўз маърузасида Орол денгизи муаммоси фақат ушбу минтақанинг эмас, балки жаҳон ҳамжамиятининг муаммоси эканини таъкидлади ҳамда ушбу мавзу бўйича амалий фикр алмашувига ишонч билдирди.

Нидерландия Иқлим ва сув ресурслари маркази раҳбари В. Кофино Орол инқирози инсониятнинг янги тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиа эканига эътибор қаратди. «Айни пайтда Марказий Осиё минтақаси улкан миқёсдаги экологик офат билан юзма-юз турибди», — деди нидерландиялик мутахассис. Унинг фикрича, табиат экотизимининг бузилиши энг хавфли даражага яқинлашиб қолган.

Мазкур марказ ҳузуридаги Интеграциялашган сув ресурслари гуруҳи раҳбари Й. Фрёбрикнинг таъкидлашича, Орол денгизининг қуриши умумбашарий экологик ҳалокатдир. Бу муаммо жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги барқарор ривожланиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Олимнинг айтишича, Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазкур минтақадаги экологик вазиятни яхшилашга имкон бермоқда. Бироқ бу билан чегараланиб бўлмайди, албатта. Шу боис дунёнинг барча мамлакатлари мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш йўлида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғи лозим. Й. Фрёбрик семинарда муҳокама қилинган масалалар Орол муаммоси ечимларини топишга ёрдам беришига ишонч билдирди.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимизда сўнгги йилларда Орол денгизи ҳудудидаги экологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида амалга оширилаётган сиёсат хусусида тўлиқ ахборот олдилар.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Х. Ҳамидов иштирокчилар эътиборини мамлакатимизда ушбу йўналишда кенг кўламли ишлар бажарилаётганига қаратди. Жумладан, минтақада соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, санитар-эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш, кенг жамоатчиликни Орол денгизи ҳавзасидаги ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлаб қолиш ишига жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон бўлими раҳбари А. Реймов Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш ва минтақа аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш Ўзбекистонда устувор масалалар сирасига киритилганини айтиб ўтди. Мамлакатимиз ҳукумати инқироз оқибатларини енгиллаштиришга барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этганини таъкидлаган ҳолда, А. Реймов мазкур йўналишда амалга оширилган ишларнинг миқёси ҳақида тасаввур уйғотувчи аниқ далилларни келтириб ўтди.

Илмий семинар якунларига кўра, Орол денгизи муаммоларини ҳал этишда халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Оролбўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва турмуш даражасини юксалтириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш, ер унумдорлигини ошириш зарурияти қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари жорий йилнинг 12 март куни Тошкентда бўлиб ўтган «Орол муаммолари, унинг аҳоли генофонди, табиат ва ҳайвонот дунёсига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференция қарорларини тўла қўллаб-қувватлади.

**Азим МУҲАММАДЖОНОВ, «Жаҳон» АА мухбири.**
Брюссель

*Ўзбекистон тарихи давлат музейида «Давлат ва нодавлат музейлари: тажриба, муаммо ва ечимлар» мавзуида конференция бўлиб ўтди.*

# ЎТМИШ ВА БУГУНИМИЗ КЎЗГУСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастурининг «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуман Халқаро музейлар кунига бағишланди.

**Анжуман**

Маълумки, халқимизнинг бир неча минг йиллик сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиётидан сўзловчи, аҳолини, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларни юрт ва миллат ўтмишининг билимдонлари бўлиб етишишларида беқиёс аҳамият касб этувчи меросимизнинг каттагина қисми музейларда сақланади. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида айнан музейлар фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш, шу орқали азалий қадриятларимизга, буюк аждодларимиз сиймосига, улар қолдирган бой маънавий меросга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Президентимизнинг 1998 йилдаги музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган фармонидан сўнг бу борадаги ишлар кўлами ҳар жиҳатдан кенгайди.

Анжуман иштирокчилари ана шуларни таъкидлашаркан, бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби музей-шаҳарларимиз қаддини ростлаб, янгитдан чирой очганини, Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Олимпия шон-шуҳрати музейи, Археология музейи каби ўнга яқин маънавий-маърифий қадамжолар барпо этилганини қайд этишди. Шунингдек, мавжуд музейлар тубдан реконструкция қилиниб, янги ва қизиқарли экспонатлар билан бойитилгани, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, музейшунос мутахассислар тайёрлаш ва касбий маҳоратни оширишга ҳам алоҳида аҳамият берилаётгани эътироф этилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, кейинги йилларда музейлар фаолияти билан танишувчилар сони янада ортди.

Тадбирда музейшунослик соҳасида тўпланган тажрибадан самарали фойдаланиш, музей ашёларини асраб-авайлаш, улар воситасида аҳолини, айниқса, ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларини янада кучайтириш каби долзарб масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «КУМУШ ТОЛА» БАРАКАСИ

***Юртимизда пилла ҳосилини йиғиштириш мавсуми қизғин паллага кирди. «Кумуш тола» ижодкорлари давлатга пилла сотиш шартномасини ўз вақтида бажариш учун бор имкониятларини ишга солишмоқда.***




Жорий йилда Термиз туманидаги «Термиз пилла қуритиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан 2728 қути ипак қурти уруғи тайёрланди. Ҳар қутидан 52 килограммдан хом ашё етиштириш режалаштирилган. Ҳозиргача жамиятга 15,5 минг тонна пилла қабул қилиб олинган бўлса, шунинг 85 фоизи биринчи ва иккинчи навларга сараланди. Бундай натижага, шубҳасиз, тумандаги 2700 хонадон муносиб ҳисса қўшмоқда.

**СУРАТДА:** (чапдан) Термиз туманидаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Озода Маматқулова, «Термиз пилла қуритиш» масъулияти чекланган жамияти бошлиғи Музаффар Абдураҳмонов ва пиллачи Фотима Аллаевалар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# ЯНГИ СУЗИШ ҲАВЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Қорақалпоғистонлик тенгдошларимиз бундай замонавий спорт иншоотида шуғулланиб, мамлакат ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришишига ишонамиз, — деди Урганч спорт коллежи талабаси Алишер Султонов. — Бу ерда барча қулайликлар мавжуд.

Янги ҳавзада сузиш бўйича 100 дан ортиқ талаба беллашди. Дастлаб қизлар ўртасида 50 метрга сузиш мусобақаларига старт берилди.

— Ёшларга яратиб берилаётган бундай қулайлик ва имкониятларни шу ёшга кириб кўрган эмасман, — дейди 75 ёшли меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Жумамурат Шамсуддинов. — Бунинг учун Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз. Набираларим спорт билан шуғулланади. Маҳалламизда мана шундай катта сузиш иншооти очилганидан жуда хурсанд бўлдик.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Аминбой ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбирлари.**

***Халқимизда бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади, деган ҳикмат бор. Ҳақиқатан ҳам, эр-хотин ёки қайнона билан келин, қуда-андалар, қўни-қўшнилар сан-манга боргудай бўлишса меҳр-оқибат, ҳурмат дарз ейди. Аҳиллик, тотувлик ўрнини нотинчлик эгаллайди. Агар ўша совуқчилик, дилхираликларнинг олди олинмаса, тобора газаклаётган ярага малҳам қўйилмаса, оила парокандаликка юз тутади. Қўни-қўшнилар юзкўрмас бўлиб кетади. Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишга маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган яраштириш комиссияси ва унинг оқсоқоллар, кайвонилар, эл-юрт ҳурмати ва ардоғидаги инсонлардан иборат фаоллари савобга йўғрилган ишларга бош-қош бўлмоқдалар.***

# ҲАМЖИҲАТЛИК ҲИКМАТИ

— Қаерда ҳамжиҳатлик, тинчлик, осойишталик ҳукм сурса баракаям, омад ҳам ўша жойда бўлади, — ҳикоя қилади Асака туманидаги Баҳрин маҳалла фуқаролар йиғини раиси Озодахон опа Ғаниева. — Битта, яримта ҳолатни ҳисобга олмаганда, кейинги йилларда маҳалламизда оилавий ажралишлар бўлмади. Қўни-қўшнилар бир-бирларига яхшиликлар илиниб яшашга одатланишди.

— Опанинг гапларида сираям муболаға йўқ, — суҳбатга қўшилди туман ФҲДЁ бўлими бошлиғи Муборакхон Саидова. — Кўплар ибрат олса арзигулик ишларнинг тепасида яраштириш комиссияси фаоллари турибди.

— Ҳаётда келишмовчиликлар ҳам бўлиб туради, — дейди маслаҳатчи Хосиятхон Тожибоева. — Жаҳл келганда ақл қочадиган пайтларда етти кишидан ташкил топган яраштириш комиссияси аъзоларига таянамиз. Кўпни кўрган, ҳаётнинг пасту баландларини ақл тарозисида ўлчаб иш тутадиган бу инсонларнинг жўяли гаплари тош босади. Ўгитлари ҳовурдан туширади. Ибратли оилалар ҳаётидан келтирган далиллари муросага келолмай турганларни тўғри йўлга солади.

Комиссия ўзининг йиллик иш режасида «Ҳудудда соғлом турмуш тарзини тарғибот-ташвиқот қилиш»ни белгилаган эди. Яқинда йиғин чақирилди.

— Зайнобиддин Муҳаммаджоновлар оиласини ҳаммамиз яхши биламиз-а? — киприк қоқмай қулоқ тутиб ўтирганларни ўзига қаратди Озода опа. — Бир ҳовлида тўрт оила рўзғор тебратади. Ўн тўрт жон битта дастурхонда нонушта қилади. Уй соҳиби Зайнобиддин аканинг пенсияга чиққанига анча бўлди. Аммо бекор

**Маҳалла — аҳиллик маскани**

ўтирмайди. Паррандачилик билан шуғулланади. Беш юз бош товуғи бор. Ҳар куни пақирлаб тухум йиғиштириб олади. Шунингдек, томорқасидаги 55-60 туп атрофидаги анорга қарайди. Шунча туп токиям бор. Ҳалол меҳнатлари орқасидан бели бақувват, қўли узун бўлди. Унинг ўғил-қизлари, келинларнинг аҳил-иноқлиги ҳар қанча таърифга арзийди. Мана, яқинда келин ҳам туширди.

Ёки бўлмаса Абдуманноб Исоқовлар оиласини олайлик. Чумолида тиним бўлса борки, уларнинг хонадонида бирон киши бекор ўтирмайди. Қўраси қўйга тўла. Булар камлик қилгандай, жўжа очирадиган инкубаториям бор. Йилига кам деганда тўрт минг жўжа чиқаради. Келини Маҳфузахон ҳаммасига қараб улгуради. Энди айтинглар-чи, шу икки оилада қачон жанжал чиққан? Меҳнатлари орқасидан ўғил-қизларни ўқитиб, тарбиялаб, уйли-жойли қилишяпти, улар. Дили шукурдан, қўли дуодан тушмайди. Ахир сиз билан бизнинг улардан қаеримиз кам?

Опанинг тош босадиган, залворли гапи ўтирганларни ўйга чўмдирди. Анчадан буён умр йўлдоши билан муросага келолмай юрган Ўлмасбой Аббосов қизариниб ерга қаради. Пешонасини реза-реза тер қоплади. Уч нафар фарзанди бўлатуриб, на ётарида, на турарида ҳаловати бўлмаган Ўлмасбой ўзидан ўтган хатоларни, оилани бошқаришдаги камчиликларини англаб етгандай бўлди. У хонадан чиқар экан, Озода опа билан Хосиятхондан аразлаб кетиб қолган умр йўлдошининг олдига бориб келишларини, уни оилага қайтаришларини ўтинди, шириндан-шакар фарзандларига бундан кейин эътиборли бўлишини изҳор этди.

Туманда 55 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Демак, шунча миқдорда яраштириш комиссияси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шуниси муҳимки, кайвониси, дастурхончиси, маслаҳатчиси ҳамкорликда уй меҳнатини ташкил этиш, ҳунармандчиликни йўлга қўйиш, томорқанинг ҳар бир қаричидан оқиллик билан фойдаланиш, чорва билан паррандани кўпайтиришга ўзларини масъул деб билмоқдалар. «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимининг раиси Зокиржон Тожибоев масаланинг яна бир нозик жиҳатига алоҳида урғу берди:

— Инсоннинг нияти қилаётган ишларида акс этади. Баҳрин маҳалласининг 3,5 минг кишидан иборат аҳолиси бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилаётган экан, ҳеч бирининг оиласи бузилмайди. Маҳалладошлар ўртасида гина-кудурат урчимайди. Аслидаям, қўли ишда бўлган инсоннинг қуруқ сафсата сотишга, турли важ-корсонлар билан дилозорлик қилишга вақти ҳам, хафсаласиям бўлмайди.

Ўтан йили Асакада 405 та янги оила вужудга келди. 833 нафар чақалоқ дунёга келди. Ажралишлар сони эса 11 тага тушди.

Биз баҳринликлар билан хайрлашар эканмиз Озода опа Ғаниева шундай деди:

— Яраштириш комиссиясининг навбатдаги йиғини Маҳаллаларда ва бошқа жамоат ташкилотларида спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш мавзусига бағишланади. Имкон топиб келинглар.

— Маҳаллада шу хилдаги одамлар ҳам борми?

— Асло, — қатъият билан ишонтирди опа, — лекин касалликни даволашдан кўра олдини олган маъқул.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Қорақалпоғистонда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари республика финал босқичи қизғин давом этмоқда. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган юзлаб ёшлар спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро беллашмоқда. Таъкидлаш лозимки, мусобақалар мамлакатимиз ёшлари ўртасида нафақат кучли спортчиларни аниқлаш, балки улар орасида дўстлик алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этаётир.

## "Баркамол авлод — 2008" кундалиги

**ФУТБОЛ**

Хўжайли тумани марказий стадионида Сирдарё ва Наманган вилоятлари ўсмир футболчилари куч синашдилар. Муросасиз курашлар остида ўтган мазкур мусобақада сирдарёлик футболчилар 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

— Беллашув тенг курашлар остида ўтди, — дейди Сирдарё вилояти жамоаси ўйинчиси Бахтиёр Хайруллаев. — Шу куни омад биз томонда бўлди. Медаллар учун курашни давом эттирамиз.

Андижон — Хоразм жамоалари баҳсида 1:0 ҳисобида водийлик футболчилар ғалаба қозонишди. Навоий — Бухоро 7:5.



**БАДИИЙ ГИМНАСТИКА**

*«Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари дастуридаги бадиий гимнастика баҳслари ҳам қизиқарли ўтмоқда.*

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва 11 та вилоятдан гимнастикачилар иштирок этишди. Тошкент вилояти жамоаси ушбу беллашувларда қатнаша олмади.

— Айниқса, Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти қизлари катта тайёргарлик билан келганликларини кўрсатишди, — дейди мусобақа ҳаками Анела Малкина. — Бунинг сабаби ушбу ҳудудларда гимнастика мактаби кўп йиллардан бери фаолият кўрсатаётганидадир. Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Нукус шаҳри гимнастика мактабларида ҳам ривожланиш борлиги сезилмоқда. Жами 26 нафар иштирокчи гимнастиканинг тўрт тури бўйича иқтидорларини намойиш этмоқда.

# ҚИЗИҚАРЛИ КУРАШЛАР, ДАСТЛАБКИ МЕДАЛЛАР

Махсус мухбиримиз Ҳидоят АҲМЕДОВ хабар қилади.

**ҚЎЛ ТЎПИ**

Нукусдаги Олимпия захиралари коллежида ўтаётган беллашувлар ҳам ҳал қилувчи паллага кирди. Кеча Бухоро ва Навоий вилоятлари жамоалари (қизлар) куч синашдилар. Тенг курашлар остида ўтган мусобақада 16:21 ҳисобида навоийлик спортчилар ғалаба қозонишди.



**ВОЛЕЙБОЛ**

Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари (ўсмирлар) волейболчилари баҳси 2:0 ҳисобида якунланди. Хоразм — Фарғона 2:0, Самарқанд — Сурхондарё 2:0.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

**ЕНГИЛ АТЛЕТИКА**

*Нукус шаҳридаги 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби енгил атлетика баҳсларига мезбонлик қилмоқда. Ўсмирлар ўртасида баландликка сакраш мусобақасида Тошкент вилояти вакили Марат Ҳайдаров биринчи уринишдаёқ 1 метру 95 сантиметр баландликни забт этиб, дастлабки олтин медални қўлга киритди. Тошкент шаҳридан Данил Елунин иккинчи, Сирдарё вилоятидан Александр Манолис учинчи ўринни эгаллади.*



Марат Ҳайдаров Олмалиқ саноат коллежида таҳсил олмоқда. Беш йилдан бери енгил атлетика билан шуғулланади. Спортнинг бу туридан ташқари, тўсиқлар оша югуриш бўйича мусобақаларда ҳам яхши натижаларга эришиб келмоқда.

— Нукусга биринчи келишим, — дейди М. Ҳайдаров. — Бу ерда яратилган шароитлардан хурсанд бўлдим. — Ушбу замонавий спорт залларида шуғулланиб, албатта, яхши натижаларга эришиш мумкин. "Баркамол авлод — 2008" мусобақалари Польшада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати олдидан мен учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Шу куни қизлар ўртасида ҳам баландликка сакраш мусобақаси бўлди. Унда 1 метру 50 сантиметр натижа кўрсатган сурхондарёлик Д. Рустамова биринчи, Самарқанддан Ю. Карабельникова иккинчи, Бухоро вилоятидан Д. Нуруллаева учинчи ўриндан жой олди.

## БАСКЕТБОЛ

Нукусдаги 3-тиббиёт коллежида баскетбол мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Дастлаб, Навоий ва Сирдарё вилоятлари баскетболчи қизлари майдонга тушдилар. Унда 90:4 ҳисобида навоийликлар ғалаба қозонишди. Ўйин тугагач, Навоий вилояти жамоаси аъзолари Оксана Стрелковская, Анастасия Князеева, Камила Умароваларга мурожаат этдик.

— "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида қатнашганмиз, — дейди спортчи қизлар. — Қорақалпоғистонга биринчи келишимиз. Ишонамизки, бу ердан ғолиб бўлиб қайтамиз.



*Нукусдаги 1-болалар спорт мактаби залида баскетбол мусобақалари бўлиб ўтмоқда.*

Тошкент ва Бухоро вилоятлари жамоалари ўртасидаги мусобақада 45:39 ҳисоби қайд қилинди.

— Ўйин деярли тенг курашлар остида ўтди, — дейди Бухоро жамоаси мураббийси Равшан Ходиев. — Пировардида Тошкент вилояти спортчилари ўйин давомида техник ва жисмонан устунлигини намойиш этишиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Кейинги ўйинларда ғолиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

## Дил сўзи

# МАҚСАД — ЮРТ БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИШ

**Асқар КЕНГЕСБОЕВ, футбол бўйича Қорақалпоғистон терма жамоаси ярим ҳимоячиси:**

— Давлатимиз раҳбарининг "Баркамол авлод" спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригида таъкидланганидек, "Ҳеч шубҳасиз, бугун бепоён қорақалпоқ заминида, азим Жайҳун соҳилларида ўтказилаётган "Баркамол авлод" ўйинлари мамлакатимиз ёшлари ҳаётида, спортимиз тарихида яна бир ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Нега деганда, тўртинчи бор ўтказилаётган бу мусобақаларнинг айнан "Ёшлар йили"да, яқинда Пекин шаҳрида бошланадиган Олимпиада арафасида бўлиб ўтаётгани бу анжуманга алоҳида руҳ ва мазмун бағишлаши табиий, албатта". Дарҳақиқат шундай. Биз Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликларини доимо ҳис қилиб турамиз. Мусобақалар шарофати билан Қорақалпоғистонда ҳавас қилса арзигулик замонавий спорт мажмуалари барпо этилди. Ана шу мажмуаларда чиниққан ёшлар орасидан келажакда юртимиз шарафини халқаро спорт майдонларида муносиб ҳимоя қиладиган ёшлар етишиб чиқишига ишонаман. Ҳозир Нукус Олимпия захиралари коллежининг иккинчи курсида ўқияпман. "Баркамол авлод — 2008" спорт мусобақаларида футбол бўйича терма жамоамиз сафида қатнашаяпман. Мураббийимиз Тимур Искандаров билан тубдан реконструкция қилинган Олимпия захиралари коллежида машғулотлар олиб бордик. Жамоадошларимнинг кайфияти яхши. Мусобақа олдидан Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган Нукуснинг "Жайҳун" жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказдик. Чемпион бўлиш учун имкониятимиз етарли, деб ўйлайман. Ушбу дўстлик ва спорт байрамида барча қатнашчи ёшларга омад тилайман.

**Ҳилола БАҲРОМОВА, қўл тўпи бўйича Навоий вилоят терма жамоаси аъзоси:**

— Бизни Нукусда жуда яхши кутиб олишди. Бу ерда яратилган шароит ва имкониятлардан хурсанд бўлдик. Биринчи ўйинни бухоролик дугоналаримизга қарши ўтказиб, 21:16 ҳисобида зафар қучдик. Рақибларимиз орасида ҳам кучли спортчилар кўп эди. Лекин, биз жамоавий ўйин кўрсатиб, ғалаба қозонишга муваффақ бўлдик. Асосийси, кўплаб дўстлар орттирдик.

**Дилноза ЖОЛДАСБАЕВА, бадиий гимнастика бўйича Қорақалпоғистон терма жамоаси аъзоси:**

— Олти йилдан бери бадиий гимнастика билан шуғулланаман. 2006 йилда Қарши шаҳрида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида муваффақиятли иштирок этдим. Демоқчиманки, бу борада, озроқ бўлса-да, тажрибам бор. Мақсадим, "Баркамол авлод — 2008"да ҳам яхши иштирок этиб, келажакда жаҳон спорт майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтариш.

**Спорт ● Sport ● Спорт**

# МАРОКАШДА ҚИТЪА ПОЛВОНЛАРИ БЕЛЛАШМОҚДА

*Марокашнинг Агадир шаҳрида миллий спортимиз — кураш бўйича катталар ўртасида Африка чемпионати бошланди, деб хабар беради Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизмати.*

Кеча чемпионат доирасида Кураш халқаро ассоциацияси делегацияси ва Африка Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти Ласанно Паленфо ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда курашни қитъада янада ривожлантириш ҳамда 2011 йилда Замбияда ўтадиган Умумафрика ўйинлари дастурига киритиш масалалари муҳокама қилинди. Жаноб Ласанно Паленфонинг таъкидлашича, курашнинг тўрт йилда бир маротаба ўтадиган Умумафрика ўйинлари қаторига киритилиши мусобақалар жозибасини оширишга хизмат қилади. Чунки кураш Олимпия ғояларига асосланган ҳалол ва инсонпарвар спорт туридир, деди у.

Қитъа чемпионатида 30 дан ортиқ мамлакатдан курашчилар иштирок этмоқда. Мусобақа гиламида аёллар ҳам ўз вазн тоифаларида ўзаро беллашадилар.

# БАЛЛИ, НАФИСА!

*Тошкентда шахмат бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати олий лига мусобақалари якунланди.*

Айланма тарзда ўтказилган чемпионатда 12 нафар иқтидорли "Ақл гимнастикаси" усталари ғолиблик учун дона сурдилар. Якунда 11 имкониятдан 9 очко тўплаган навоийлик Нафиса Мўминова чемпионликни қўлга киритди. Тошкентлик Ирина Геворгян 8 очко билан иккинчи, 7 очко тўплаган қашқадарёлик Нодира Нодиржонова эса учинчи ўринни эгаллади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**


# CHIROYLI RAQAMLAR 2 BAROBAR ARZON!

**Aksiya 2008 yil 25 maygacha davom etadi!**
**O'zingiz uchun chiroyli raqamni tanlang!**
**Narxlar 5 dollardan boshlab!**

**Endi maxsus raqamlarni 50% chegirma bilan olishingiz mumkin!**

| Raqam turlari | Narxi | Chegirmali narxi* |
|---|---|---|
| Bronze | $10 | $5 |
| Silver | $30 | $15 |
| Gold | $100 | $50 |
| Platinum | $200 | $100 |
| VIP | $400 | $200 |

* faqat aksiya davomida

COSCOM


## Халқаро фестиваль

# Миллий маданиятимиз довруғи

**Яқинда юртимизнинг бир гуруҳ маданият ва санъат намояндалари Францияда ўтказилган «Иер — 2008» Халқаро мода ва фотография санъати фестивалида иштирок этдилар.**




Йигирма уч йилдирки, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль жаҳоннинг энг машҳур мода ва фотосанъат вакилларини Франция жанубидаги Иер шаҳрига чорлайди. Қувонарлиси шуки, бу йилги тадбирда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Франция мода федерацияси ҳамда Модалар уйи, Италия миллий модалар палатаси сингари нуфузли компаниялар қатори фестивалнинг ташкилий ишларига бош қўшди.

Нуфузли тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон халқ артистлари Зулайҳо Бойхонова ҳамда Абдуҳошим Исмоилов бошчилигидаги "Офарин" миллий чолғу ансамбли дастаси аъзолари мумтоз куй-қўшиқларимизни ижро этиб, эътироф ва олқишга сазовор бўлишди. Айниқса, ўзбек ошпазлари тайёрлаган хушхўр миллий таомлару хилма-хил ширинликлар халқимизнинг меҳмондўстлик, пазандалик хислатларини яққол намоён этди.



Иер фестивали директори Жан Пьер Блоннинг таъкидлашича, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси бу йилги тантанани ташкиллаштиришга беқиёс ҳисса қўшди.

— Шу боис фестивалнинг очилиш маросимини ўзбекона урф-одатларга асосланган тарзда ташкил этдик, — дейди у. — Ўзбек мусиқасининг жозибадор оҳанги, бу халқнинг шоҳона миллий таомларидан баҳраманд бўлиш бизга унутилмас таассуротлар ҳадя қилди.

Анжуман доирасида "Буюк Ипак йўли: матолар ва Европа дизайни" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Юртимиз вакиллари ўзбек ипаги ва ундан тайёрланадиган шойи матосининг сифати ва ўзига хос жиҳатлари хусусида маълумот беришди. Турфа ранглари ва ҳар бир нақшу нигорида бетакрор рамзий ифода касб этган атласу адрас матоларимиз Франция мода федерацияси, Италия модаси синдикати, "Гермес" модалар уйи, Италиянинг шойи ишлаб чиқарувчи "Монтеро" компанияси вакиллари ва бошқа йирик дизайнерлар эътиборини тортди. Жумладан, "Монтеро" компаниясининг ижрочи вице-президенти Роберто Бренинг шойи ишлаб чиқариш техникаси билан танишиш имкониятини яратиш мақсадида Европа ишлаб чиқарувчилари ҳамда мода уйлари вакиллари учун Ўзбекистонга ижодий сафар уюштириш таклифи маъқулланди.

Халқаро мода ва фотография санъати фестивалида илк бор иштирок этган юртдошларимиз бебаҳо миллий қадриятларимиз ва санъатимиз намуналарининг яна бир бор жаҳон узра донг таратишига эришишди. Табиийки, фестиваль қатнашчилари ҳамда мезбон юртнинг кўплаб мода агентликлари ва компаниялари "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан келгусида кенг кўламли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш истагини билдирдилар. Тадбир ташкилотчилари келгуси йилги санъат анжуманига ўзбекистонлик ёш дизайнер ва суратчиларни ҳам таклиф қилишди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5 6 7